

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омил сифатида эркин иқтисодий зоналарни изчил ривожлантириш бора-сида янада қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" ва "Жиззах" маҳсус индустриал зоналари номи билан бириктириш мақсадида уларни "Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналар деб аташ тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Куйдагилар "Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналари (кейинги ўринларда – эркин иқтисодий зоналар) фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

хорижий инвесторларга мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторларига инвестиция киритиши учун янада қўлай шароитлар яратиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар учун ягона ҳуқуқий режими белгилансин, солиқ ва божхона имтиёзлари, преференцияларни бириктириш;

маҳаллий минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлайдиган ва юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юқори технологияли ва маҳаллийлаштириладиган замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни, авваломбор, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, эркин иқтисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш ва уларда саноат кооперациясини ривожлантириш;

эркин иқтисодий зоналарда "ягона дарча" тамойили асосида барча турдаги давлат хизматларини кўрсатиш-

га, жумладан, руҳсат бериш тартиб-таомилларига босқичма-босқич ўтиш; ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунингдек, сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш; олий, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида эркин иқтисодий зоналарнинг соҳа кадрларига бўлган ҳозирги ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг эркин иқтисодий зоналарда жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташни назарда тутган ҳолда, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 сентябрдаги Р-4351-сонли Фармойишига мувофиқ ташкил этилган Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш комиссиясининг эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалда қўлланилаётган солиқ ва божхона режимида бириктириш-тириш ҳамда ушбу зоналар иштирокчиларининг куйдагилардан:

ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, обodonлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларидан; ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, хом ашё, материал ва маҳлуви буюмлар, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган қурилиш материаллари учун божхона тўловларидан озод этиш (божхона расмийлаштируви йўғимларидан ташқари) тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Давоми 2-бетда. ➡

□ Ислоҳот

Йилига 840 миллион киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати-га эга Ангрен иссиқлик электр станциясидаги янги энерго-блокнинг қуввати 150 мега-ватт/соатга етмоқда.



Кейинги йилларда бутун дунёда электр қуввати эҳтиёж шунчалик ошиб бормоқдаки, пиро-

вардиди истеъмол талаби ишлаб чиқариш суръатидан ўзиб кетаяпти. Айни шу жиҳат соҳага иннова-

цион технологияларни кенгрок жорий этиш орқали уни янада ривожлантириш, шунингдек, табиий

газ, нефть, қўмир каби ресурслардан оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда. Давоми 2-бетда. ➡

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛИЁТИ

иқтисодиёт барқарорлиги ва турмуш фаровонлигига хизмат қилаётти

Сайлов – 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

2016 йил 28 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Сарвар Садуллаевич Отамуратов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Хатамжон Абдурахмонович Кетмонов, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Наримон Маджитович Умаров Ўзбекистон Республика-

си Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайлов олди ташвиқоти бошланади. Шу муносабат билан мажлисда сайлов олди ташвиқоти билан боғлиқ масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида Марказий сайлов комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакил-

ларини рўйхатга олиш ҳамда комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун онлайн режимида брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов тадбир иштирокчиларини Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги таълиқларни бориши ҳақида хабардор қилди.

Давоми 2-бетда. ➡

□ Сенатор минбари

Ватанимиз эришяётган муваффақиятлар шу заминда яшяётган ҳар бир инсон қалбини фахр-ифтихорга тўлдириши шубҳасиз. Тарихан қисқа муддат ичида улкан марраларни қўлга киритдик.

ҲАЁТИЙ МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

Бугун дунё ҳамжамияти мамлакатимизни жаҳоннинг энг тез ривожланаётган давлатларидан бири сифатида тан олмоқда. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти томонидан ҳар томонлама чуқур ўйланган тараққиётнинг "ўзбек модели" халқимизни мустақилликнинг илк йилларидаги қийинчиликлардан, моддий ва маънавий бўҳронлардан эсон омон, беталафот олиб ўтди. Ана шундай ислохотлар натижалари бугун барча соҳаларда эришилаётган ютуқларимизда намоён бўлмоқда.

Давлатимизнинг бугунги раҳбарияти ҳам Биринчи Президентимиз олға сурган ғояларни давом эттирган ҳолда халқ фаровонлигини таъминлаш, юртимиз иқтисодий салохиятини янада юксалтириш йўлидан бормоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони тадбиркор ва ишбилармонларга қаратилган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди.

Фармонда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асосли аралаштиришдан ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъминлашга йўналтирилган давлат назоратининг принципиал жиҳатдан янги бир қатор механизми белгиланган.

Давоми 2-бетда. ➡

Давоми 3-бетда. ➡

4 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ОАВ: ТАРҒИБОТ МАСЪУЛИЯТИ

Жамият ҳаётида кечаётган муҳим воқеаликлар, давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотлардан аҳолини хабардор қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бегиёс. Шу сабабдан мамлакат сиёсий ҳаётидаги ҳар қандай жараёнда ОАВ фаол иштирок этиши лозим.

Барчамизга маълумки, жорий йил 4 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови куни. Шу сабабдан, ҳозирда бутун Марказий сайлов комиссияси ва республикамиз бўйлаб ташкил этилган сайлов округлари ҳамда сайлов участкаларида жараёнга тайёргарлик қизгин паллага кирди. Сайловни муносиб тарзда, ошкоралик ва шаффофлик тамойиллари, конституциявий ва халқаро нормалар асосида ўтказилишини таъминлашда ОАВ зиммасига алоҳида вазифалар юклатилган. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Президен-

ти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкаларида сайлов куни овоз бериш соҳаларида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гу-

руҳларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқи ағадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак", дея белгилаб қўйилган.

Зеро, оммавий ахборот воситалари тақдим этган маълумотлар асосида, фуқароларнинг кўрсатилган номзодлар, уларнинг сайлов дастурлари, сайлов жараёнининг бориши ҳақида хабардорлик даражаси ошиб боради. Шу сабабдан, омма-

вий ахборот воситалари сайлов кампанияси эълон қилинган кундан бошлаб сайлов натижаларни расмий эълон қилинган кунга қадар бўлган жараёнларни узлуксиз ва мунтазам ёритиб борадилар.

Оммавий ахборот воситаларининг энг кўп тарқалган тури бу босма нашрлардир. Бугунги кунда, Тошкент вилоятида жами 60 та босма нашрлар мавжуд бўлиб, улардан 24 таси маҳаллий ҳокимликлар муассислигидagi нашрлар ҳисобланади.

Шу ўринда бир савол туғилади: юртимизда рўй бераётган муҳим сиёсий жараён, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов жараёнларини ёритишда Тошкент вилоятида фаолият юритаётган босма

оммавий ахборот воситалари қанчалик фаол?

Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилояти ҳудудий бўлини маси ҳодимларининг таҳлилларига асосан, сентябрь ойининг иккинчи декадасидан бошлаб бугунги кунга қадар ўрганилган 30 та босма нашрларда 130 дан ортқ сайлов жараёнлари билан боғлиқ масалалар, сайловга тайёргарликнинг бориши, амалга оширилаётган ишлар хусусида мақола ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар чоп этилган бўлиб, 40 дан ортқ мақолаларда сайлов жараёнлари билан боғлиқ бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари акс этирилган. Қолган 90 га яқини, яъни 69 фоизи сай-

ловга тайёргарликнинг бориши ва ўтказилаётган сиёсий тадбирлар, брифинглар якуини ёритишга бағишланган. Жумладан, "Сиёсий партиялар сайловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим қилди", "4 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни", "Очиқлик ва ошкоралик – сайловнинг муҳим шarti", "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида", "10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясида", "Матбуот маркази иш бошлади", "Брифинг бўлиб ўтди" каби мавзуларда бир қатор мақолалар нашр этилган.

Бундан кўриниб турибдики, вилоятдаги босма нашрлар мамлакатимизда рўй бераётган муҳим сиёсий жараёнларни ёритишда асосий ўринни эгаллаб келмоқда.

Давоми 2-бетда. ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ВА
КЕНГАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Белгилансинки, мазкур бандда қайд этилган божхона имтиёзлари қўлланган ҳолда олиб келинган ускуналар, хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар сотилган ёки бегараз берилган ҳолларда, улар олиб келинган пайтдан бошлаб уч йил давомида божхона тўловлари қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда ундирилади.

4. Белгилансинки, Фармоннинг 3-бандида кўзда тутилган имтиёзлар киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача, жумладан:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 5 йил муддатга;

5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 7 йил муддатга;

10 миллион ва ундан кўп АҚШ долларлари ҳажмидаги инвестициялар сўнги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда – 10 йил муддатга берилди.

5. "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналари иштирокчилари учун шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари:

эркин иқтисодий зоналар

Бошланғич 1-бета.

фаолияти давомида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади; эркин иқтисодий зоналар доирасида иштирокчилар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ хорижий валютада, ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлари – резидентлари томонидан етказиб берилган товарлар, ишлар (хизматлар) учун хорижий валютада тўлаш, шунингдек, экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ўзларига қўлай бўлган тўлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш шарт ва шаклларида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

6. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналарининг Маъмурий кенгашилари тугатилиб, уларнинг ўрнига эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Қўйидагилар эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва давлат томонидан тартибга солиш;

корхона ва ташкилотларга – эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари мақоми бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари бўлган ҳўжалик субъектларига эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун истиқболли инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича комплекс хизматлар кўрсатиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, молиялаштириш манбаларини белгилаш, мустаҳкам кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспортга йўналтиришга кўмаклашиш;

эркин иқтисодий зоналарда лойиҳаларни амалга оширишга масъул вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмаларининг лойиҳа, тендер ҳамда шартнома ҳўжатларини ўз вақтида тайёрлаш ва уларни экспортизацияда ўтказиш, шунингдек, жойлардаги давлат ҳўкимияти органларининг эркин иқтисодий зоналар фаолияти билан боғлиқ масалаларга оид ишларини мувофиқлаштириш; эркин иқтисодий зоналарда объектлар қуриш ва уларни ўз вақтида фойдаланишга топширишга доир тасдиқланган инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилишини тизимли асосда назорат қилиш;

эркин иқтисодий зоналарда транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфраструктурани жадал ривожлантириш дастури ва лойиҳаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этиш, эркин иқтисодий зоналар дирекция-

ларини шакллантириш ва улар фаолияти устидан назорат қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

7. Эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашига:

эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларига фаолият кўрсатмаётган корхоналар ва давлат тасарруфида бўлган мулкларни инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарт билан "ноль" қийматда сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

эркин иқтисодий зоналарнинг хизматлар кўрсатиш ва қўнчилиқда таққиланмаган бошқа тушумлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, улар фойдаланаётган ва бошқарувидаги ерлар, бино ва иншоотларни ижарага беришдан тушадиган тушумлар ҳисобидан шакллантириладиган ўз бюджетларини ташкил қилиш;

ушбу бюджетлар доирасида эркин иқтисодий зоналар инфратузилмасини ривожлантириш ва фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган Эркин иқтисодий зоналар жамғармаларини ташкил этиш ҳуқуқлари берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифасини бажарувчи

Тошкент шаҳри,
2016 йил 26 октябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Сайлов – 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Сайлов кампанияси мамлакатимиз қўнчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилаётгани таъкидланди.

"Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига асосан сайловолди ташвиқоти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади.

Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилади ва таъминланади.

Жумладан, сиёсий партиялардан келиб тушган таклиф ва иштакларни инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорациясининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" теле- ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорациясининг 12 та ҳудудий телеканалларида 206 дақиқа, "Тошкент" телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратилди.

"Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" газеталарида 6 саҳифадан, "Нурлы жол" ва "Овози тожик" газеталарида 5 саҳифадан иборат нашр майдони бепул берилади. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 та маҳаллий газеталарда ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинади.

Шунингдек, номзодларнинг ҳар бири республикамиз бўйича 642 тадан ташқи реклама воситаси – махсус конструкциялар, экранлар, биллбордлардан ўз дастурий гоя ва мақсадларини тарғиб қилишда фойдаланади. Мамлакатимизнинг 36 та электрон мониторинг ҳам номзодларнинг ташвиқот роликларини бепул жойлаштириш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентлигига номзодлар оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти материалларининг турлари, шакллари, услублари ва мазмунини мустақил белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, сайловолди ташвиқоти даврида тенг шарт-шароитлар яратиш таъминоти партия наشرлари ва нисбатан татбиқ этилмайди. Улар тегишли материалларни исталган ҳажмда чоп этишлари мумкин.

Брифингга сайловга тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам фикр юритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказиш учун 9 минг 378, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ҳузурида 44 сайлов участкаси тузилди. Сайлов участкалари зарур алоқа воситалари, компьютер ва ташкилий техника, ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланган. Махсус белгиланган жойларда яширин овоз бериш учун сайлов кабинетлари, сайлов қўтилари ўрнатилган.

Округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссиялари таркиблари шакллантирилиб, уларнинг фаолиятига 98 мингдан зиёд киши жалб қилинган. Комиссия аъзоларининг 69 фоизи илгари сайлов комиссияларининг фаолиятида бевосита иштирок этган ва муайян тажрибга эга фуқаролардир. Участка сайлов комиссиялари таркибидан хотин-қизлар сони 47,4 фоизни ташкил этади. Участка сайлов комиссиялари раисларининг 26,7 фоизи хотин-қизлардир.

Брифингга сайлов кампаниясининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш масалаларига, оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли ахборотдан фойдаланишлари учун барча шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидланди. Ҳозирга қадар Марказий сайлов комиссияси томонидан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 500 дан ортиқ вакили, округ сайлов комиссиялари томонидан қарийб 560 нафар маҳаллий журналист аккредитациядан ўтказилди.

Ў.А.

Жараён

Бекобод шаҳридаги "Ўзметкомбинат" очик акциядорлик жамиятида маҳсулот турини кўпайтириш, сифатли ва рақобатбардор товарлар ишлаб чиқариш, мавжуд цехларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янгиларини ишга туширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис юқори натижаларга эришилмоқда.

СИФАТ ВА САМАРА

Хусусан, шу йилнинг ўтган тўққиз ойида пўлат эритувчилар 514 минг 479 тонна маҳсулот тайёрлаган бўлса, прокатчилар 561 минг 678 тонна товарни буюртмачиларга ўз муддатида етказиб беришди ва белгиланган режа ортиси билан бажарилди.

Шунингдек, акциядорлик жамиятида маҳаллийлаштириш дастури асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш чоралари кўрилмоқда. Шундай дастур доирасида амалга оширилган ишлар натижасида ўтган даврда 49 миллиард 712 миллион сўмдан зиёд халқ истеъмоли моллари тайёрланиб, аксарият қисми экспорт қилинди.

Юлдуз ИСАЕВА.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛИЁТИ

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида Ангрен иссиқлик электр станциясида қуввати 130 – 150 мегаватт/соатга тенг янги энергоблокнинг фойдаланишга топширилгани нафақат мамлакатимизда электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, балки табиий ресурслар, хусусан, куллик даражаси юқори бўлган кўмирдан самарали фойдаланиш имконини яратди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2013 йил 5 мартдаги Қарорига мувофиқ, қурила бошланган мазкур иншоот муддатидан тўрт ой олдин ишга туширилди. Бунда мингга яқин хорижий ҳамда маҳаллий мутахассисларнинг биргаликда меҳнат қилгани, айниса, ўзбекистонлик 21 ёш мутахассис Хитой Халқ Республикасида малака ошириб қайтгани айни мuddао бўлди.

– Хитойдаги кўплаб энергоблокларда 11 ҳафта иш ўрганиб, дейди энергоблок катта машинисти Хусниддин Аҳмедов. – Электр энергияси ишлаб чиқаришда зарур бўладиган қурилма

Бошланғич 1-бета.

ва эҳтиёт қисмлар тайёрланадиган заводлар фаолияти билан ҳам танишдик.

Мазкур йирик лойиҳа "Ўзбекэнерго" акция-

тизимида қаттиқ ёқилғи улушини оширишга қаратилган истиқболли лойиҳалар татбиқ этилапти, – дейди "Ангрен" иссиқлик электр стан-

цияси" акциядорлик жамияти бош директори Дилшод Йўлчиев. – Бунинг самараси ўларок, электр ҳамда иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда табиий газ сарфини, атроф-муҳитга тарқаладиган зарарли чиқиндилар ҳажмини кескин камайтиришга эришилмоқда. Жумла-

дан, янги энергоблок куллик даражаси юқори, яъни 45 фоиз ва ундан кўп бўлган кўмирни ёқиб, мўлжалланган бўлиб, "Ангрен" қонида

ларда 1 киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 431 грамм шартли ёқилғи сарфланса, янги энергоблокда 343 грамм. Эътиборлиси, бундай тежамли технология Ўзбекистонда биринчи марта қўлланилмоқда. Ишлаб чиқариш чикиндиси ҳисобланган кўмир кули ҳамда қурумга эса ҳозирдан қурилиш ташкилотларидан буюртмалар тушаяпти. Пировардидан бу хом ашёни етказиб бериш бўйича шартномалар тузилаётди.

Мухтасар айтганда, янги энергоблоқнинг ишга тушириши аҳоли ва саноат корхоналари, айниса, "Ангрен" махсус индустриал зонасида ишлаб чиқариш субъектларини узлуқсиз электр ҳамда иссиқлик энергияси билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Қувончлиси, мамлакатимизда ҳаётимизга фаровонлик, иқтисодиётимизга барқарорлик олиб кираётган бундай истиқболли лойиҳалар кўпайиб бормоқда.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Бошланғич 1-бета.

Дорлик жамиятининг маблағлари ҳамда Хитойнинг "Eksimbank"и томонидан ажратилган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан молиялаштирилди. Бунинг учун ҳам 226 миллион АҚШ доллар микдоридан инвестиция йўналтирилди.

– Ёқилғи-энергетика

цияси" акциядорлик жамияти бош директори Дилшод Йўлчиев. – Бунинг самараси ўларок, электр ҳамда иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда табиий газ сарфини, атроф-муҳитга тарқаладиган зарарли чиқиндилар ҳажмини кескин камайтиришга эришилмоқда. Жумла-

дан, янги энергоблок куллик даражаси юқори, яъни 45 фоиз ва ундан кўп бўлган кўмирни ёқиб, мўлжалланган бўлиб, "Ангрен" қонида

ларда 1 киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 431 грамм шартли ёқилғи сарфланса, янги энергоблокда 343 грамм. Эътиборлиси, бундай тежамли технология Ўзбекистонда биринчи марта қўлланилмоқда. Ишлаб чиқариш чикиндиси ҳисобланган кўмир кули ҳамда қурумга эса ҳозирдан қурилиш ташкилотларидан буюртмалар тушаяпти. Пировардидан бу хом ашёни етказиб бериш бўйича шартномалар тузилаётди.

Мухтасар айтганда, янги энергоблоқнинг ишга тушириши аҳоли ва саноат корхоналари, айниса, "Ангрен" махсус индустриал зонасида ишлаб чиқариш субъектларини узлуқсиз электр ҳамда иссиқлик энергияси билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Қувончлиси, мамлакатимизда ҳаётимизга фаровонлик, иқтисодиётимизга барқарорлик олиб кираётган бундай истиқболли лойиҳалар кўпайиб бормоқда.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Бошланғич 1-бета.

Дорлик жамиятининг маблағлари ҳамда Хитойнинг "Eksimbank"и томонидан ажратилган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан молиялаштирилди. Бунинг учун ҳам 226 миллион АҚШ доллар микдоридан инвестиция йўналтирилди.

– Ёқилғи-энергетика

цияси" акциядорлик жамияти бош директори Дилшод Йўлчиев. – Бунинг самараси ўларок, электр ҳамда иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда табиий газ сарфини, атроф-муҳитга тарқаладиган зарарли чиқиндилар ҳажмини кескин камайтиришга эришилмоқда. Жумла-

дан, янги энергоблок куллик даражаси юқори, яъни 45 фоиз ва ундан кўп бўлган кўмирни ёқиб, мўлжалланган бўлиб, "Ангрен" қонида

ларда 1 киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 431 грамм шартли ёқилғи сарфланса, янги энергоблокда 343 грамм. Эътиборлиси, бундай тежамли технология Ўзбекистонда биринчи марта қўлланилмоқда. Ишлаб чиқариш чикиндиси ҳисобланган кўмир кули ҳамда қурумга эса ҳозирдан қурилиш ташкилотларидан буюртмалар тушаяпти. Пировардидан бу хом ашёни етказиб бериш бўйича шартномалар тузилаётди.

Мухтасар айтганда, янги энергоблоқнинг ишга тушириши аҳоли ва саноат корхоналари, айниса, "Ангрен" махсус индустриал зонасида ишлаб чиқариш субъектларини узлуқсиз электр ҳамда иссиқлик энергияси билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Қувончлиси, мамлакатимизда ҳаётимизга фаровонлик, иқтисодиётимизга барқарорлик олиб кираётган бундай истиқболли лойиҳалар кўпайиб бормоқда.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Бошланғич 1-бета.

ОАВ: ТАРҒИБОТ МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси қўнчилигида оммавий ахборот воситаларига берилган имтиёзлар ва ҳуқуқлар билан бирга қатор мажбуриятлар ҳам юклатилган. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида"ги Қонунининг 28-мод-

Бошланғич 1-бета.

дасида сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгиланган. Унга кўра, сайловолди ташвиқоти: оммавий ахборот воситалари, шу жумладан телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармақлари орқали ва бошқа усуллар воситасида амалга оширилади.

Шунингдек, 28-моддасида сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш тартиби берилган бўлиб, унга кўра, оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, уларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг, сиёсий партия-

ларнинг ҳуқуқлари ва қўнчий манфаатлари бузилмаслиги керак. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Бундан шуни англаш мум-

кинки, оммавий ахборот воситалари ўзлари тақдим этган маълумотларнинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги ва ишончлилигига масъулдирлар.

Гулзода ХУСАНОВА, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилот ҳудудий бўлими бош мутахассиси.

2017 йил учун

«Тошкент ҳақиқати» ва
«Ташкентская правда»газеталарига обуна
бўлишни унутманг!

Нашр индекси 205.

□ Қонун кучга кирди

ЭЗГУ ОРЗУЛАР ИФОДАСИ

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, юртимизда ёшлар масаласи устувор вазифалар қаторига қўйилиб, Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг бевосита ташаббуси билан бу борадаги ишларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Утган даврда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, имтиёз ва кафолатларини амалда таъминлаш, истеъдод ва салоҳиятларини тўла рўёбга чиқариш масалаларини ҳал этишда ушбу ҳужжат муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Бугун юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёди ёшлар бўлиб, уларнинг жамият ҳаётида алоҳида ўринга эга бўлиб бораётганини кўриб турибмиз. Айни пайтда 70 дан ортиқ олий ўқув юртлири, 1500 дан ортиқ касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, ўн мингга яқин умумтаълим мактабларида 7 млн.дан ортиқ ёшлар таълим-тарбия олмақда. 525 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 13 та олимпия захиралари коллежлари ҳамда 8 та республика олий спорт маҳорати мактабида юқори малакали, истеъдодли спортчилар тайёрланмоқда.

Тахлиллар ёшлар таълим-тарбиясига оид ҳуқуқий асосларни замон руҳига мослаб, янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди. Шу боис, истиқлолимиз аввалида қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун бугунги кун талабларига мос ҳолда, ёшларнинг хоҳиш ва истакларига жавоб берадиган яхлит қонун ҳужжати сифатида такомиллаштирилди.

Муҳими, Қонун лойиҳасини мукаммаллаштириш жараёнида ёшларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этилди. Хусусан, "Қамолот" ЁИХнинг ҳамкор ташкилотлар билан ташкил этган "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танлови доирасида Қонун лойиҳаси юзасидан 500 дан ортиқ муҳим таклифлар киритилди.

Янги тахрирдаги Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсад ва вазифалари, ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза масалалари, таълим олиш ҳуқуқи, иқтидорли ёшларга давлат кўмаги каби жамият ривож учун зарур масалалар қамраб олинган. Қонуннинг 4-моддасида давлат сиёсатининг очик-ошкоралигини рўёбга чиқаришда ёшларнинг иштирокини кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги, ёшларнинг камситилишига йўл қўймаслик каби асосий тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, 5-моддада ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, ишга жойлаштириш, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм,

фундаментализм, зўравонлик ва шайқашсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш, иқтидорли ёшларни кўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш каби асосий йўналишлар белгилаб қўйилган.

Этиборлиси, Қонунда бешта, "ёшларга оид давлат сиёсати", "ёшлар (ёш фуқаролар)", "ёш оила", "ёш мутахассис", "ёшлар тадбиркорлиги" тушунчаларининг мазмунини очиб берилган. Жумладан, "ёшлар (ёш фуқаролар)" деганда, ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар назарда тутилмоқда. "Ёш оила" сифатида эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказилган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат оила, шу жумладан никоҳдан ажрашган, бева эркак (бева аёл) тушунилади.

Истиқлол йилларида ёшлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий ҳамкорлик тизими яратилди. Айни пайтда 8000 га яқин ННТлар, шундан 500 дан зиёди айнан ёшлар нодавлат нотижорат ташкилотлари ва кўплаб оммавий ахборот воситалари ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишда тобора фаол иштирок этмоқда. Қонуннинг 18-, 19-, 20- ва 21-моддаларида ушбу фуқаролик жамияти институтларини ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги иштироки асослари келтирилган.

Қонуннинг 25-моддасида иқтидорли ва истеъдодли ёшларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш мақсадида уларни таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида, шу жумладан хорижий мамлакатларда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва амалиётни ўташ дастурларидан таянлов асосида фойдаланишини таъминлаш каби кўплаб имтиёзлар белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу Қонун ёшларимизни бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, касб сирларини мукаммал эгаллаган, мустақил фикри ва нуқтани назарига эга бўлган баркамол, ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Одилжон ТОҶИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати.

Хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, республикадаги мақбул инвестициявий шароитни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиқни энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамлайди. Фармонда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашшидан ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъминлашга йўналтирилган давлат назоратининг бир қатор янги, жиҳдий тамойилларини белгилаш назарда тутилди.

Жумладан, тадбиркор-

лик субъектлари фаолиятида режадан ташқари ҳар қандай текширишларни бекор қилиш, бундан юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини

ТАДБИРКОР МАНФААТЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ ҲИМОЯСИ

Мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, бу йўлдаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида узққни кўлаб олиб борилаётган сиёсат натижасида мазкур соҳа миллий иқтисодиётимизнинг чинакам таянчига айланди. Давлат органларининг хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини чеклашга доир изчил чоралар қўрилиб, иқтисодий ислохотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш орқали ишбилармонлик ташаббусларини кўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилгани бу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда.

мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар мустақилолиги, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги барча муқобил текширишларни бекор қилиш белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, Фармон маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлини давом эттириб, молия-ҳўжалик

жавобгарлиқнинг барча турларидан озод қилиш каби тубдан янги чораларни назарда тутди.

Хорижий таҳриба шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги барча муқобил текширишларни бекор қилиш белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, Фармон маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлини давом эттириб, молия-ҳўжалик

фаолиятида биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларини ҳамда давлат рўйхатидан ўтказмай, тадбиркорлик фаолиятини юритаётган шахсларни, улар етказган зарарни қоплаган ва ҳуқуқбузулиши оқибатларини белгиланган муддатларда ихтиёрий бартараф этган тақдирда,

Дастурда солиққа тортиш тизими ва боғжона ишини такомиллаштириш, республиканинг мақбул инвестициявий муҳитини яхшилаш ва халқроқ рейтингини оширишга оид таклиф ва норматив-

□ Муносабат

ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш белгиланган. Банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий тамойилларини жорий этиш, ушбу фаолиятни самарали амалга оширишга тўққинлик қилувчи ғовларни бартараф этиш, солиқ маъмуричилигини янада ях-

матлар сифати учун жавобгарлигини ошириш ва улар тақдим этадиган хулосаларнинг ишончлилиги юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш шулар жумласидандир.

"Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш доирасида давлат органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлигининг бевосита мулоқот қилинмайдиган шакллари кенгайтириш бўйича комплекс тадбирлар мўлжалланган бўлиб, у тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари қўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали "ягона дарча" тамойили асосида қўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтиришнинг назарда тутди.

Мазкур Фармон мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омил сифатида тадбиркорлик фаолиятидаги маъмурий ғовлар ва сунъий тўсиқларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан белгиланган йўлнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш имконини беради.

Ш. САИДОВ, З. ЗАРИФОВ,
вилоят адлия бошқармаси мустасул ходимлари.

ҲАЁТИЙ МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

Жумладан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб қўйидаги, илгари қўрилмаган чоралар жорий этилади:

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади, бундан юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар мустақил;

шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади.

Шундай қилиб, назорат

Бошланғич 1-бета.

қилувчи органлар эндиликда режадан ташқари текширишлар ўтказишни ташкил қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини таъминлаш мақсадида фақат жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида қисқа муддатли текширишлар ўтказишнинг чекланган имконияти сақланиб қолади. Бундай текшириш фақат Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказилиши мумкин ва текшириш муддати бир иш кунини билан чекланган.

Жаҳон банкнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олди.

Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноят маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиси мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани эътиборлидир.

Халқроқ миқёсда катта нўфўзга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёда энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани, албатта, барчамизни мамнун этади.

Бундан ташқари, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Мил-

латлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Албатта, бугунги фаровон ҳаётимиз, эришаётган муваффақиятларимизда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва озоишхалик муҳим омил бўлаётди. Зотан, тинчлик бор жойда тараққиёт бўлади.

Ўз навбатида, ҳамиша ташаббускор, тиниб-тинчимас тадбиркорларимиз давлатимизнинг бундай юксак эътибор ва ғамхўрлигига жавобан юртимиз иқтисодий тараққиётини янада жадаллаштириш учун бор куч ва ғайратларини аямай меҳнат қилмоқда.

Сайёра БАРАТОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

билан ҳамкорликда аҳолининг экологик фаоллигини ошириш, қаттиқ маиший ва электрон чиқиндиларни утилизация қилишга йўналтирилган атроф-муҳит муҳофазаси бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган кўшма тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Бу бежиз эмас. "Тошрангметзавод" рангли металлургия йиғиш ва қайта ишлашга ихтисослашган республикада ягона корхона ҳисобланади. Бу ерда рангли металл парчалари ва чиқиндиларини йиғиш, уларга бирлаштириш ишлов бериш учун зарур бўладиган замонавий асбоб-ускуна ва илгор технологиялар жорий қилинган.

Тадбирда чиқиндиларни қайта ишлашни такомиллаштириш, шунингдек, уларни йиғиш ва тўплашда аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
Тошкент ҳақиқати
муҳбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

МУСАФФОЛИК МЕЗОНИ

Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инсоният олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айлиниб бормоқда.

□ Медиа-тур

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси оммавий ахборот воситалари учун "Электрон чиқиндиларнинг утилизацияси" мавзусида ташкил этган медиа-тур айнан шу масалага бағишланди. "Тошрангметзавод" акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган тадбирда соҳа мутахассислари ва экспертлар саноят, хусусан, яроқлилик муддати ўтган маиший ва электрон техникалардан иборат металл чиқиндиларни ўз вақтида ва тўғри утилизация қилиш атроф-муҳит муҳофазасида алоҳида аҳамиятга эга бўлаётганини таъкидлашди.

Ҳозирги кунда ҳар йили ер юзидан ўртача 2 миллион тон-



нага яқин электрон чиқинди пайдо бўлмоқда. Фойдалануламётган маиший хизмат ускуналари ва буюмларининг 16 фоизигина қайта ишланмоқда.

Шуни эътиборга олиб, республикаси Табиати муҳофаза

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 2 декабрь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти, Янгиёул тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти Хўжалик судининг 06.10.2016 йилдаги 11-1535/7681-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган қуйидаги авто-транспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 2008 йилда и/ч., д/р. 10 883 JAA, Мидибус "ISUZU NP", бошланғич баҳоси - 33 888 889.8 сўм. 2. 2008 йилда и/ч., д/р. 10 881 JAA, Мидибус "ISUZU NP", бошланғич баҳоси - 33 248 879.2 сўм. 3. 2008 йилда и/ч., д/р. 10 879 JAA, Мидибус "ISUZU NP", бошланғич баҳоси - 47 000 000 сўм. 4. 2008 йилда и/ч., д/р. 10 884 JAA, Мидибус "ISUZU NP", бошланғич баҳоси - 47 000 000 сўм. 5. 2008 йилда и/ч., д/р. 10 886 JAA, Мидибус "ISUZU NP", бошланғич баҳоси - 47 000 000 сўм. 6. 2014 йилда и/ч., д/р. 10 258 ABA, Мидибус "ISUZU SAZ NP", бошланғич баҳоси - 72 000 000 сўм.

Реклама ва эълонлар

даги аукцион савдоси учун 30 ноябрь соат 16.00 гача. Аукцион савдосида қатнашиш истагиде бўлган талабгорлар авторанспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир авторанспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" OJATB Мидибус Уллубек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800904887305001, МФО 01103, ИНН 301829804. Аукцион қўлиб сотиб олган авторанспорт воситаси қийматини 5 банк кунини моёбайнда тўлалигига тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Мировот тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44. Гувоҳнома № 004593.

"Yuqori Chirchiq matlubot-savdo" акциядорлик жамияти 1998 йил 22 декабрда L0127-3 рақам билан (миллий индентификация рақами RU103L012772) ва 2003 йил 24 майда L0127-5 рақам билан (миллий индентификация рақами RU105L012777) рўйхатта олинган акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорлари (эмиссия расоаси) йўқолганлигини маълум қилади.

"Yuqori Chirchiq matlubot-savdo" акциядорлик жамияти "Yuqori Chirchiq matlubot-savdo" АХ акциядорларининг 12.11.2011 йилдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилдаги 94-сонли қарорига, Юқори Чирчиқ ҳокимининг "Yuqori Chirchiq matlubot-savdo" акциядорлик жамиятини тугатиш комиссиясини тўзиш тўғрисидаги 2011 йил 10 майдаги 77-Ф-сонли фармонидаги мувофиқ ушбу корхона тугатилаётганлиги маълум қилинади.

Тошкент вилояти "Қишлоқхўжалик-кимё" ҳудудий акциядорлик жамияти мазкур жамиятнинг собиқ раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди **Жаҳонгир ШАРИПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия иҳзор этади.

Дилшод ИСМОИЛОВ,
вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси.

□ "Камалак" юлдузлари

Олмалик шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида "Камалак" юлдузлари болалар фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ёш истеъодларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, маънавий, моддий рағбатлантириш борасида қўлланма ишлар амалга оширилади. Мазкур фестивал мана шу хайрли амаллардан бири сифатида ёш авлодга улкан маънавий рағбат бермоқда. Зеро, фарзанд камолли-

ни кўриш ҳар бир ота-онанинг орауси. Шу ораулар рўёбига йўл очиб берадиган ушбу танловда иштирок этувчилар йилдан-йилга ортиб бораётгани бежиз эмас.

– "Камалак" юлдузлари болалар ижодиёт фестивали "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, халқ таълими, ма-

ОЗОД ЭЛ, ОБОД ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ

даният ва спорт ишлари бошқармалари, маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда, – дейди вилоят "Камалак" болалар ташкилоти раиси Зебо Самадова.

– Фестивалнинг шахар, туман босқичларида 3336 бола иштирок этган бўлса, вилоят босқичида 1200 га яқин иштирокчи қатнашди. Улар танловнинг мумтоз, халқ чолғулари, вокал, рақс, тасвирий ва амалий санъат, назм ва наср йўналишларида маҳоратларини намойиш этишди.

Аслида ҳар бир иштирокчи ўз йўналишидаги чиқишлари билан таҳсинга сазовор. Уларнинг ўн нафари танловнинг республика босқичида ишти-



рок этади. 47 нафар ўғил-қизларимиз эса вилоят босқичи қолиби бўлишди. Муҳими, ҳар бир иштирокчида ўзига ишонч, интилиш, иштиёқ бор...

– Дунёда Ўзбекистондек тинч, осойишта, гўзал диёр йўқ, – дейди бўстонликлик Саидизода Саидқабаров. – Унинг халқроқ майдондаги обрў-этиборини оширишга аъло ўқишимиз, ижодимиз,

аодоб-ахлоқимиз билан муносиб ҳисса қўиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.

– Мен озод Ватанимни, унинг гўзаллигини тўқитган гиламларимда акс эттиришга аҳд қилганим, – дейди олмаликлик Моҳира Абдуманнопова. – Келгусида нафақат Ўзбекистонда, балки халқроқ танловларда ҳам қатнашсам, Ватаним довуғини оламга

намоиш этсам дейман...

Ёш бўлишга қарамай, санъатга, меҳнатга меҳр қўйган, иштиёқ билан олға интилаётган болажонларнинг қобилиятини ўз вақтида пайқаб, равон йўл очиб бериш мақсадида ўтказилаётган бу каби танловлар ҳали минг-минглаб истеъодларни кашф этади. Ўз навбатида, бизданда ақлли, бизданда бахтли фарзандларимиз буюк Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги йўлида астойдил хизмат қилаверади.

Танлов қолибларига ташкилотчиларнинг дипломи, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар.

КЎНГИЛ БИЛАН
ҲАМОҲАНГ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий академияси академиги Жавлон Умарбековнинг ретроспектив кўргазмаси очилди.

□ Кўргазма



Кўргазмадан тасвирий санъатнинг бир қатор жанр ва йўналишлари бўйича турли йилларда яратилган, муҳлисларни мулоҳазага қорловчи 160 дан ортиқ ижод намуналари ўрин олган. Уларда юртимизнинг гўзал табияти, саҳий заминимиз ноз-неъматлари, тарихий шажарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, маданий турмуш тарзими, миллий ва умуминсоний қадриятлар, оналик ва болаликнинг турли лаҳзалари акс этган. Экспозициядан ўрин олган "Илиқ куз", "Она ва бола", "Мен – инсонман", "Етти иқлим султони", "Тошкентнинг тевакар атрофи", "Чиноз йўли", "Ангренга йўл", "Ёмғир", "Тошкентга тўйга", "Паркентлик халқ қўшиқчи-хофизлари", "Хумсонлик қўшиқчи-хофизлар" каби расмлар тасвирий санъат ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди.

Кўргазманинг очилиш маросимидаги давра суҳбатида таъкидланганидек, рассом Ж. Умарбеков ўз замонининг маҳоратли мусаввири бўлиб, унинг ижодида Шарқнинг ўзига хос маънавий қадриятлари билан дунё маданиятининг универсал қадриятлари уйғунлашиб кетган, бутун ижоди ҳаёт билан ҳам-оҳанг.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

□ Маънавият

Автобусда кетаётганим, рўпарамдаги йигит: "Опажон, майлими ўрин алмашасан", деб илтимос қилди. Эътироз билдирмадим. Янги жойга ўтиб, қаршимда ўтирган қирқ ёшлардаги оппоқкина аёлга кўзим тушгач... илтимос сабабини англадим. Аёлнинг тиззасидан бир қарич юқорида турган юбаси унинг дўмбоқ сонларини яширолмади хижолат. Ниҳоятда кенг ўйилган бурмали тўр кофтаси бор-йўғини кўз-кўз қиларди. Ўзи эса телефонда чакчақлашиб билан овора...

Балки кийиниш "маданияти" билан эркакларни ҳам хижолатда қолдирган бу аёл биз ўйлаганчалик беодоб, ибосиз эмасдир. Лекин, одам ҳақидаги илк тасаввур унинг кийимида қараб шаклланади.

Дугонам ўғлини уйлантириш учун бир йилча қиз ахтарди.

– Келин топиш шунчалик кийинми, ахир кўча тўла қиз-ку, – дедим тоқ бўлиб.

– Мен ҳам шундай деб ўйлардим. Бири-биридан чироили, замонавий қизларга ҳавас билан қарардим. Аммо, келинликка миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни биладиган қизни излаётиман. Мен ўзимни анча замонавий аёл деб ҳисоблайман. Аммо, тор-танқис кийимда бутун вужудини кўз-кўзлаётган ёки киндигини кўрсатиб шим кийган, пардоз-андозга берилган қиздан яхши келин чиқишига ишонмайман.

– Булар ҳали ёш, яхши кийингиси, чироили кўрингиси келади. Келин қилиб олгач, аста-секин тарбиялаб, йўригингизга солиб олурсиз, – дедим маслаҳат оҳангиди.

– Бу фикрингизга кўшилолмайман. Яқинда шундай воқеа юз берди.

Маҳаллаимизнинг намунали, обрўли хонадонларидан бирининг соҳиби Қодир ака кенжа ўғлига келин олди. Келинчақ чилласи чиқар-чиқмас, калта шорти-футболкада супурсидир қиладиган бўлибди. Қодир ака аввал хотинга айтадиби. Аммо, келин қайнонасининг гапига ҳам, овсинининг маслаҳатига ҳам парво қилмабди. Қайнонасининг танбехидан эса аразлаб уйга кетиб қолибди. Биз қизнинг онасини маҳаллага маслаҳатга чақирдик. Онанинг ўзи ҳам анчагина "замонавий" экан. Биласизми, нима деди?

БУ ҚИЗНИ СЕВИШ
МУМКИН...

Лек уйланиб бўлмайди

– Қизим оёқ-қўлли, саранжом-сарийшта. Ҳамма ишни тиндиради. Шорти кийди, деб уни ёмонотлик қилолмайсиз. Уйда шунга ўрганган. Бир кун, ўн кунда ўрганган одатидан кечолмайди. Ўзига ярашиб турган бўлса, нега сизларга ёқмайди, хайронман. Замонага ярашадан!

"Эркалатса онаси – талтади боласи", деганларнинг исботи шу эмасми?!

Аммо, қувёв томон ҳам ўз сўзида туриб олди. Битта шу кийим можароси туфайли ёш оила барбод бўлди. Шундай экан ишни бошдан пухта қилганим тўзук. Одоби одобимизга, диди дидимизга мос оила билан қуда бўламан.

Ўйланиб қолдим. Чиндан ҳам ўзлимиз, маънавиятимизнинг белгиси либосларимиз экан. Замон қанчалик ривожланмасин, дидимиз ментали-

лар ҳам: "Ҳа энди ҳамма шуда, бир мени қизим ёки ўғлимиди, уни бошқалардан қаери кам", деб ўзини юпатади. Ана шу "тушуниш" қўлаб тушунмовчиликларга сабаб бўлади.

– Анвар, Наргиз жуда яхши қиз. Бир неча йилдан буён бирга ишлаяпсизлар. Шу қизга совчи қўйсанг бўлмайди? – сўрадим ҳамкасб йигитдан.

Мен ҳам бу ҳақда ўйладим. Ойим билан синглимга таништирдим. "Анча пўрим қиз экан. Буving рози бўлмайди", дейишгач, иккиланиб қолдим. Оиламиз катта. Бобом, бувим борлар. Ўта замонавий либосларини унча қабул қилишолмайди, – деди.

– Сенчи, сен қабул қила олсанми?



Мен йиғлаб юбордим.

– Қизим, биласанми, бўлбул гўнчага нима учун қўйиб-ёниб роз айтди. Сирлиги, ёпиқлиги учун. Сен ҳам ҳаё ва ибод пардасига ўралган гўнча-сан. Агар бор гўзаллигини кўз-кўз қилиб, очик-сочик юрсанг ҳаёли, ҳаёсиз нигоҳларга дуч келасан. Қиз боланинг бор гўзаллиги, кадр-қиммати эса унинг ҳаё ва ибосида. Одоби қизлар беҳаё либосларни киймайди.

Ҳа, ўзлигини англаган, ўзини, миллатини ҳурмат қилган ҳеч қайси одам бундай очик-сочик кийинишни маъқулламайди. Чунки, биз этагини шамол тортиклашга ҳайик-

қан ибод маликалари – ўзбек момоларининг авлодларимиз. Наҳотки, энди ибодина эмас, тортиклашга этагимиз ҳам қолмаган бўлса?! Наҳотки, бу нарсалар ориятни ўлимдан юқори тутган ота-акаларни уйлантирмаётган, ҳушёрлик, огоҳлик кўнгирогини чалувчи бобо-бувилар қолмаган бўлса? Бунга нима, кимлар сабаб? Тарбия тугунини қаерда бўшатиб юбордик? Балки пешманаш намоиш қилинаётган ахлоқсиз, гайринисоний фильмлар, чет эл сериаллари, ёмғирдан сўнг чиққан қўзиқориндай кўпайган маза-матрасиз қўшиқларга ишланган клип "қахрамонлари" айбдордир. Чунки, бу кўрсатувларнинг асосий томошабини бўлган ўсимлар уларга ўхшашига интилайди, деб ким кафолат беради?

Балки биз кўнчақлик билан айтаётган бу гаплар кимгадир эски мавзу бўлиб туюлар, "Ҳадеб кийиниш одоби ҳақида гапириш шартми", деб ўйлайдиганлар ҳам топилар. Бизнингча, шарт. Саккиз болани оқ ювиб, оқ тараб, жамият учун фойдали кишилар қилиб тарбиялаган онам: "Болам айтганимни қилмади, деб ўз холига ташлаб қўйма. Бир марта эмас, ўн марта гапир, ўн беш марта гапир, биттаси бўлмаса, биттаси қулоғида қолади. Тарбияда таътил ҳам, дангасалик ҳам ярашмайди", дейдилар.

Яна бир гап. Балки бугун моданинг олдида тушиб югуриб кетаётган, дўмбоқ оёқларини, оппоқ елкаларини кўз-кўз қилиб қувонаётган қизларимиз, аёлларимиз ҳам шундай мавзудаги мақолаларни ўқиб қолиб, ҳулоса чиқарар. Ахир, улар ҳам ўзбек деб аталмиш палаги тоза миллатнинг наслидан-ку!

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

□ Болалар спорти

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлашга қаратилаётган доимий эътибор ёшларнинг пухта билим олиш ва касб-хунар эгаллаш билан бирга, спорт билан мунтазам шуғулланишлари, соғлом ва баркамол бўлиб улғайишларига хизмат қилмоқда.

Мактаб тўғарагидан
жаҳон майдонларига

Бугун Қибрай туманидаги спорт ва умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежларидаги спорт заллари ҳамда маҳаллаларда тадбиркорлар савий-ҳаракати билан ташкил этилган спорт майдончалари ёшлар билан гавжум.

6-умумтаълим мактабининг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кўмағида қайта таъмирланган спорт залида ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шароит яратилган. Машғулотлар ўтказиш, ювениш хоналари замонавий жиҳозланган, зарур спорт ускуналари билан таъминланган маскан ёшлар билан гавжум.

Спорт болаларнинг соғлом, интилувчан бўлишлари, дарсларни пухта ўзлаштиришларига ёрдам беради, – дейди мактабнинг яққаурашлар спорт тўғараги мураббийи Равшан Толипов. – Дастлаб анча нимжон болалар мунтазам машғулотлар натижасида соғлом ва бакуватт бўлиб боришади.

Таърибли мураббий бугунги кунда 32 нафар йигит-қизга фудокан каратэ-до сирларини ўргатмоқда. Унинг айтишича, яқин йилларда шогирдлари орасидан юртимиз шарафини халқроқ майдонларда муносиб ҳимоя қилишга

қодир спортчилар етишиб чиқади. Бунинг учун асос бор. Шу йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон фудокан каратэ-до федерацияси ташкил этган Ўзбекистон кубогини учун саралаш мусобақаларида ушбу мактаб ўқувчиси Исроил Ҳаммаев, Абдурахмон Абдуғаниев ва Жаҳоир Муминхўжаевлар 1-ўринни кўлга киритиб, махсус диплом ва олтин медаль билан тақдирландилар. Тўғаранинг яна 6 аъзоси – Исмоил Муҳаммадиев, Мадина Ибодиллаева, Иброҳим Набиев иккинчи, Ҳасан Қўчқоров, Сардор Маҳмудов ва Ҳикматилла Холмуродов фахрли учинчи ўрин соҳиби бўлишди.

Шуни айтиш керакки, туманда Соғлом она ва бола йилида бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиб, аҳоли, айтиқса, ёшларни спортга кенг жалб этиш мақсадида маҳаллалар, таълим масканлари билан ҳамкорликда турли спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Бу эса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни оммавий спортга кенг жалб қилиш ва саломатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Моҳинур ЭВОДИЛАЕВА,
Мансур НАХАЛОВ
олган суратлар.



Телевизор кўрма, болажон

Буюк британиялик мутахассислар "Телевизорнинг болалар онгига таъсири" мавзусида тадқиқот ўтказишди.

Натижаларга кўра, узок вақт телевизор томоша қилиш, нафақат боланинг кўриш аъзолари, балки ижодий фаолиятига ҳам зарар етказиши маълум бўлди.

Тадқиқот учун олимлар бир ғуруҳ болаларни

жалб этишди. Унга кўра, кичкинтойлар кун давомида 15 дақиқа телевизор томоша қилишди. Таъриба жараёнида кузатувчилар боланинг сезимли кўрсатуви ёки мультфильмдан олдинги ва томоша жараёнидан

кейинги ҳолатларни қайд этиб боришди.

Олимларнинг таъкидлашича, боланинг меъридан ортиқ телевизор томоша қилиши, келажакда ижодий ва ақлий соҳияти билан боғлиқ тиклаб бўлмас жиддий муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўларкан.

Хитойнинг CRRC темир йўл компанияси 600 км/соат тезликда ҳаракатланувчи янги поезд яратилишини маълум қилди.



Компаниянинг ваъда беришича, янги поезд тарихдаги энг тезроқ поезд бўлади. Унинг ёрдамида Шанхайдан Пекинга 2 соатда, Лондондан Парижга эса бор-йўғи 34 дақиқада етиб олиш мумкин.

Хитойдан яна бир янгилик

Поездни ишга тушириш учун янги йўл қопламаси талаб этилади. Компания йўлнинг 5 км. узунлиқдаги синув қисмини қуришни бошлаб юборди. Янги поезд замонавий поездларга нисбатан 40 фоиз камроқ энергия сарфлайди.

Интернет хабарлари асосида Ф. РАВШАНОВ тайёрлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Маълумият: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@uam.uz	Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: Шарғнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59. Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан руйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терийди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Назоратчи мусаввир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУХҲАЕВ
---	---	---	--	---	--